| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ | ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ |
|---|---|
| **ҚАРОРИ** | **ҚАРАРЫ** |
| Нукус шахри | Нөкис каласы |

№ 178 «9» март 20 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3586-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3586-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3586-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ҳамда лимон етиштирувчи ташкилотларнинг республика ҳудудида лимон кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмасини (кейинги ўринларда Уюшма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги;

б) Қуйидагилар:

«Пюре фрут трейд» МЧЖ, «Холис саркор замин» МЧЖ, «ҚУББО мева-сабзавот» МЧЖ, «Сағбон тикувчи элит» МЧЖ, «Сора инвест» МЧЖ масъулияти чекланган жамиятлари шаклидаги лимон етиштирувчи ташкилотлар, «Узокбой ниҳоллари», «Қурбонов Иззатилла», «Абдурахмон Абдуғаффор давр» фермер хўжаликлари ҳамда томорка ер эгалари, лимон экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар Уюшма муассислари ҳисобланиши;

ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар шартнома асосида Уюшмага мустақил аъзо бўлишлари мумкин ва унинг таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

в) Қуйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги:

республикада лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этишни комплекс ривожлантириш бўйича дастурларни амалга оширишда иштирок этиш, соҳада ягона илмий-техникавий, технологик, инвестицион ва экспорт сиёсати амалга оширилишига кўмаклашиш;

табиий майдонлардан оқилона фойдаланган ва интенсив етиштириш технологияларини қўллаган ҳолда лимон ўсимлигининг ўсиши учун қулай бўлган ҳудудларда махсус иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш йўли билан лимон етиштириш ҳамда экспорга маҳсулот чиқариш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;

лимон етиштириш жараёнларига хорижий сармояларни, чет эллик мутахассислар ҳамда консультантларни фаол жалб қилиш, ушбу соҳага илғор технологияларни жорий қилиш;

лимон кўчатларини лимон етиштириш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга тизимли етказиб бериш, лимон ўсимлиги зараркунандалари ва касалликларига карши биологик ҳамда кимёвий воситалар асосида курашиш ишларига кўмаклашиш;

инновацион технологияларни лимон етиштириш жараёнига жорий қилиш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, лимоннинг маҳаллий серҳосил навларини яратиш, районлаштириш ҳамда янги навларни давлат реестрига киритиш ишларига кўмаклашиш;

лимон етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳамда экспортга етказиб бериш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий хўжжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

лимон етиштирувчиларга лимонни етиштиришнинг замонавий усуллари ва уни парвариш қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда методик ёрдам кўрсатиш;

лимонни парвариш қилишга жалб этиладиган мутахассисларни агротехник тадбирларни тўғри ўтказиш бўйича ўқитиш учун махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш;

соҳа учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, шунингдек, хорижда уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

г) Қуйидагилар:

«Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага;

«Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмасининг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 16 нафардан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқулланганлиги;

Уюшма раисига, зарурат бўлганда, ижро этувчи аппаратининг тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

Уюшманинг ижро этувчи аппаратининг жорий таъминоти ҳамда фаолиятини молиялаштириш уларнинг таркибига кирувчи лимон етиштирувчи ташкилотларнинг ажратмалари, лимон етиштириш, унинг кўчатларини тайёрлаш ва экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг аъзолик бадаллари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда маҳаллий ва хорижий инвестиция маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилиши:

д) Уюшма раиси ва ўринбосари Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланиши белгилаб қуйилганлиги;

е) Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2021-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг умумий прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 3.1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2021-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 3.2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида ва академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида 2018-2021 йилларда лимон кўчатлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018-2021 йилларда лимон маҳсулотини етиштириш ва экспортга чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;



ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 6-бандидан келиб чиққан ҳолда лимон кўчатлари ва маҳсулотини етиштириш прогноз кўрсаткичларини туманлар ва лимон етиштирувчи ташкилотлар кесимида шакллантириш топширилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига:

лимон етиштиришга ихтисослаштирилган замонавий иссиқхоналарни ташкил этиш учун зарур техника ва мини технологияларни сотиб олиш;

академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида замонавий интенсив усулларда лимон кўчатларини етиштиришни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари грантлари ва кредитларини жалб этиш вазифаси юклатилганлиги;

и) «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясига «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

лимон маҳсулотлари экспортининг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда навига боғлиқ ҳолда ташқи бозорнинг талабини аниқлаш;

етиштирилган лимон маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича замонавий логистика тизимини кенг жорий этиш, маҳсулотни халқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган ҳолда саралаш, калибрлаш ва қадоқлаш йўли билан экспортга чиқаришдан олдин тайёрлаш ишларини ташкил этиш топширилганлиги;

к) Уюшма фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича 6-иловага мувофиқ таркибда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) тузилганлиги:

Ишчи гуруҳ (З.Т. Мирзаев)га:

бир ой муддатда Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказишлишини;

Уюшма устави тасдиқланишини ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Уюшма ижро этувчи аппаратта тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадвалига мувофиқ пухта танлаш асосида юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини;

ҳудудларда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан лимон етиштиришга амалий ёрдам беришни таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг умумий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 1.1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси тизимида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 1.2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси тизимида ва академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон бўлимида 2018-2021 йилларда лимон кўчатлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Туманларда 2018-2021 йилларда лимон маҳсулотини етиштириш ва экспортга чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туманлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон бўлими билан биргаликда бир ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 3-бандидан келиб чиққан ҳолда лимон кўчатлари ва маҳсулотини етиштириш прогноз кўрсаткичларини лимон етиштирувчи ташкилотлар кесимида шакллантириш топширилсин.

5. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бошқармаси, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

лимон маҳсулотлари экспортининг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда навига боғлиқ ҳолда ташқи бозорнинг талабини аниқлаш;



етиштирилган лимон маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича замонавий логистика тизимини кенг жорий этиш, маҳсулотни халқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган ҳолда саралаш, калибрлаш ва қадоқлаш йўли билан экспортга чиқаришдан олдин тайёрлаш ишларини ташкил этиш топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда тегишли норматив ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Кенгашига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С. Хожаметов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил "____" мартдаги _____-сонли
қарорига 1-илова

## Қорақалпоғистон Республикасида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг умумий прогноз кўрсаткичлари

| № | Туманлар номи | 2018-2021 йилларда барпо этиладиган лимонзорлар майдони, га | Йиллар | | | | 2022-2025 йилларда олнадиган ҳосил, тн | Йиллар | | | | 2025-2025 йилларда олнадиган ўртача ҳосилдорлиги, ц/га | Йиллар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| 1 | Тўрткўл | 4,6 | 1,4 | 1,0 | 1,1 | 1,1 | 267 | 23 | 47 | 78 | 119 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 2 | Беруний | 4,5 | 0,9 | 1,5 | 1,1 | 1,0 | 249 | 15 | 47 | 78 | 109 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 3 | Элликқалъа | 4,6 | 1,4 | 1,0 | 1,0 | 1,2 | 271 | 23 | 47 | 72 | 128 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 4 | Амударё | 4,5 | 0,9 | 1,5 | 1,1 | 1,0 | 249 | 15 | 47 | 78 | 109 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 5 | Хўжайли | 1,6 | 0,1 | 0,3 | 0,9 | 0,4 | 92 | 2 | 11 | 33 | 47 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 6 | Тахиатош | 1,1 | 0,1 | 0,3 | 0,4 | 0,4 | 67 | 2 | 11 | 21 | 34 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 7 | Шўманой | 0,9 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | 56 | 2 | 7 | 18 | 29 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 8 | Қонликўл | 0,9 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | 56 | 2 | 7 | 18 | 29 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 9 | Қўнғирот | 1,3 | 0,1 | 0,2 | 0,4 | 0,7 | 72 | 2 | 7 | 21 | 42 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 10 | Нукус | 2,0 | 0,2 | 0,4 | 0,5 | 1,0 | 102 | 3 | 15 | 27 | 57 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 11 | Кегейли | 1,8 | 0,2 | 0,4 | 0,5 | 0,8 | 95 | 3 | 15 | 27 | 51 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 12 | Чимбой | 1,8 | 0,2 | 0,4 | 0,5 | 0,8 | 96 | 3 | 15 | 27 | 51 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 13 | Қораўзак | 1,5 | 0,1 | 0,3 | 0,4 | 0,7 | 83 | 2 | 11 | 24 | 46 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 14 | Тахтакўпир | 1,0 | 0,1 | 0,2 | 0,2 | 0,5 | 48 | 2 | 7 | 12 | 27 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 15 | Муйноқ | | | | | | | | | | | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| 16 | Нукус шахар | 0,9 | 0,1 | 0,1 | 0,6 | 0,1 | 46 | 2 | 4 | 18 | 23 | 223 | 167 | 214 | 239 | 273 |
| **Жами:** | | **33** | **6** | **8** | **9** | **10** | **1850** | **100** | **300** | **550** | **900** | **223** | **167** | **214** | **239** | **273** |

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил "____" мартдаги _____-сонли
қарорига 1.1-илова

## Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари

| № | Туманлар номи | 2018-2021 йилларда барпо этиладиган лимонзорлар майдони, га | Йиллар | | | | 2022-2025 йилларда олнадиган ҳосил, тн | Йиллар | | | | 2022-2025 йилларда олнадиган ўртача ҳосилдорлиги, ц/га | Йиллар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| 1 | Тўрткўл | 4,1 | 0,9 | 1,0 | 1,1 | 1,1 | 223 | 15 | 37 | 66 | 105 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 2 | Беруний | 4,0 | 0,9 | 1,0 | 1,1 | 1,0 | 214 | 15 | 37 | 66 | 96 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 3 | Элликқалъа | 4,1 | 0,9 | 1,0 | 1,0 | 1,2 | 227 | 15 | 37 | 60 | 115 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 4 | Амударё | 4,0 | 0,9 | 1,0 | 1,1 | 1,0 | 214 | 15 | 37 | 66 | 96 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 5 | Хўжайли | 1,1 | 0,1 | 0,3 | 0,4 | 0,4 | 67 | 2 | 11 | 21 | 34 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 6 | Тахиатош | 1,1 | 0,1 | 0,3 | 0,4 | 0,4 | 67 | 2 | 11 | 21 | 34 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 7 | Шўманой | 0,9 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | 56 | 2 | 7 | 18 | 29 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 8 | Қонликўл | 0,9 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | 56 | 2 | 7 | 18 | 29 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 9 | Қўнғирот | 1,0 | 0,1 | 0,2 | 0,4 | 0,4 | 64 | 2 | 7 | 21 | 34 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 10 | Нукус | 1,5 | 0,2 | 0,4 | 0,5 | 0,5 | 88 | 3 | 15 | 27 | 43 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 11 | Кегейли | 1,5 | 0,2 | 0,4 | 0,5 | 0,5 | 87 | 3 | 15 | 27 | 43 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 12 | Чимбой | 1,5 | 0,2 | 0,4 | 0,5 | 0,5 | 88 | 3 | 15 | 27 | 43 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 13 | Қораўзак | 1,2 | 0,1 | 0,3 | 0,4 | 0,4 | 75 | 2 | 11 | 24 | 38 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 14 | Тахтакўпир | 0,7 | 0,1 | 0,2 | 0,2 | 0,2 | 40 | 2 | 7 | 12 | 19 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 15 | Муйноқ | | | | | | 0 | | | | | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| 16 | Нукус шахар | 0,4 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 21 | 2 | 4 | 6 | 10 | 224 | 168 | 215 | 240 | 273 |
| **Жами:** | | **28** | **5** | **7** | **8** | **8** | **1587** | **84** | **258** | **480** | **766** | **224** | **168** | **215** | **240** | **273** |

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил "____" мартдаги ____-сонли
қарорига 1.2-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитаси тизимида 2018-2021 йилларда лимонзорлар барпо этиш ва 2022-2025 йилларда лимон ҳосили етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари**

| № | Туманлар номи | 2018-2021 йилларда барпо этиладиган лимонзорлар майдони, га | Йиллар | | | | 2022-2025 йилларда олнадиган ҳосил, тн | Йиллар | | | | 2025-2025 йилларда олнадиган ўртача ҳосилдорлиги, ц/га | Йиллар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| 1 | Тўрткўл | 0,5 | 0,5 | | | | 44 | 8 | 11 | 11,7 | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 2 | Беруний | 0,5 | | 0,5 | | | 36 | | 11 | 11,7 | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 3 | Элликқалъа | 0,5 | 0,5 | | | | 44 | 8 | 11 | 11,7 | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 4 | Амударё | 0,5 | | 0,5 | | | 36 | | 11 | 11,7 | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 5 | Хўжайли | 0,5 | | | 0,5 | | 25 | | | 11,7 | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 6 | Тахиатош | | | | | | | | | | | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 7 | Шўманой | | | | | | | | | | | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 8 | Қонликўл | | | | | | | | | | | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 9 | Қўнғирот | 0,3 | | | | 0,3 | 8 | | | | 8 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 10 | Нукус | 0,5 | | | | 0,5 | 13 | | | | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 11 | Кегейли | 0,3 | | | | 0,3 | 8 | | | | 8 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 12 | Чимбой | 0,3 | | | | 0,3 | 8 | | | | 8 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 13 | Қораўзак | 0,3 | | | | 0,3 | 8 | | | | 8 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 14 | Тахтакўпир | 0,3 | | | | 0,3 | 8 | | | | 8 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 15 | Муйноқ | | | | | | 0 | | | | | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| 16 | Нукус шахар | 0,5 | | | 0,5 | | 25 | | | 11,7 | 13 | 219 | 161 | 212 | 234 | 269 |
| **Жами:** | | **5** | **1** | **1** | **1** | **2** | **263** | **16** | **42** | **70** | **135** | **219** | **161** | **212** | **234** | **269** |

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил "____" мартдаги _____ сонли
қарорига 2-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитаси тизимидаги ва М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик илмий-тадқиқот институтида 2018-2021 йилларда лимон кўчатларини етиштиришнинг прогноз кўрчаткичлари**

| № | Туманлар номи | 2018-2021 йилларда етиштириладиган лимон кўчатлар сони | Ўрмон хўжалиги кўмийтаси | | | | | академик М.Мирзаев нрмидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | Жами | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | Жами |
| 1 | Тўрткўл | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | | | | | |
| 2 | Беруний | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | | | | | |
| 3 | Элликқалъа | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | | | | | |
| 4 | Амударё | | | | | | 0 | | | | | |
| 5 | Хўжайли | 1,5 | | | 0,5 | 1 | 1,5 | | | | | |
| 6 | Тахиатош | | | | | | | | | | | |
| 7 | Шўманой | | | | | | | | | | | |
| 8 | Қонликўл | | | | | | | | | | | |
| 9 | Қўнғирот | | | | | | | | | | | |
| 10 | Нукус | | | | | | | | | | | |
| 11 | Кегейли | 16,5 | | | | | | 3 | 4 | 4,5 | 5 | 16,5 |
| 12 | Чимбой | | | | | | | | | | | |
| 13 | Қораўзак | | | | | | | | | | | |
| 14 | Тахтакўпир | | | | | | | | | | | |
| 15 | Муйноқ | | | | | | | | | | | |
| 16 | Нукус шахри | 3 | | 1 | 1 | 1 | 3 | | | | | |
| **Жами:** | | **33,0** | **3,0** | **4,0** | **4,5** | **5,0** | **16,5** | **3,0** | **4,0** | **4,5** | **5,0** | **16,5** |

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил "_____" мартдаги _____ сонли
қарорига 3-илова

## Қорақалпоғистон Республикасида 2018-2021 йилларда лимон маҳсулотларини етиштириш ва экспортга чиқаришининг прогноз кўрчаткичлари

тонна

| № | Туманлар номи | 2018-2021 йилларда | | Шу жумладан, йиллар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2018 | | 2019 | | 2020 | | 2021 | |
| | | жами етиштирила диган ҳосил | шундан, экспорт қилина-диган ҳосил | жами етиштирила диган ҳосил | шундан, экспорт қилина-диган ҳосил | жами етиштирила диган ҳосил | шундан, экспорт қилина-диган ҳосил | жами етиштирила диган ҳосил | шундан, экспорт қилина-диган ҳосил | жами етиштирила диган ҳосил | шундан, экспорт қилина-диган ҳосил |
| 1 | Тўрткўл | 3,4 | 2,5 | 0,8 | 0,5 | 0,8 | 0,6 | 0,9 | 0,7 | 0,9 | 0,8 |
| 2 | Беруний | 116,9 | 87,2 | 27,9 | 17,3 | 28,8 | 19,7 | 29,7 | 23,9 | 30,5 | 26,4 |
| 3 | Элликқалъа | 4,8 | 3,6 | 1,2 | 0,7 | 1,2 | 0,8 | 1,2 | 1,0 | 1,3 | 1,1 |
| 4 | Амударё | | | | | | | | | | |
| 5 | Хўжайли | 0,2 | 0,1 | 0,05 | 0,03 | 0,05 | 0,03 | 0,05 | 0,04 | 0,05 | 0,05 |
| 6 | Тахиатош | 0,1 | 0,1 | 0,02 | 0,01 | 0,02 | 0,01 | 0,03 | 0,02 | 0,03 | 0,03 |
| 7 | Шўманой | | | | | | | | | | |
| 8 | Қонликўл | | | | | | | | | | |
| 9 | Қўнғирот | 1,6 | 1,2 | 0,38 | 0,2 | 0,39 | 0,3 | 0,41 | 0,33 | 0,42 | 0,36 |
| 10 | Нукус | 14,7 | 11,0 | 3,53 | 2,2 | 3,62 | 2,5 | 3,73 | 3,00 | 3,80 | 3,30 |
| 11 | Кегейли | | | | | | | | | | |
| 12 | Чимбой | | | | | | | | | | |
| 13 | Қораўзак | | | | | | | | | | |
| 14 | Тахтакўпир | | | | | | | | | | |
| 15 | Муйноқ | | | | | | | | | | |
| 16 | Нукус шахар | 0,3 | 0,2 | 0,07 | 0,04 | 0,07 | 0,05 | 0,08 | 0,06 | 0,08 | 0,07 |
| **Жами:** | | **142,0** | **106,0** | **34,0** | **21,0** | **35,0** | **24,0** | **36,0** | **29,0** | **37,0** | **32,0** |